



ЎЗБЕК ФУТБОЛ ЖУРНАЛИСТИКАСИДАГИ МУАММОЛАРНИНГ “ЯРИМҲИМОЯЧИ” АТАМАСИДА ИФОДАЛАНИШИ

Илёс Рустамов

“Multilingo Academy” ўқув маркази раҳбари

Тошкент, Ўзбекистон

ilyosrustamov14@gmail.com +998909102088

Аннотация. Ўзбек тилида футбол мусобақаларини ёритишда журналистлар атамаларни оғзаки ва ёзма нутқда қўллашда қатор муаммоларга дуч келишади. Ана шу муаммоларнинг бир қисми **яримҳимоячи** атамаси мисолида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: спорт журналистикаси, футбол, яримҳимоячи, этимология.

Abstract. When covering football matches in Uzbek, journalists face a number of problems in using terms in oral and written speech. Some of these problems are considered in the example of the term *midfielder*.

Key words: sports journalism, football, *midfielder*, etymology.

Ўзбек тилида кенг қўлланиб келинаётган аксарият спорт терминлари, сўз ва иборалар хорижий тиллардан ўзлашган. Айримлари аслиятдаги ҳолича ёзилади ва талаффуз қилинади, бошқаларининг таржимаси тилимиздаги муқобил сўз ва иборалар воситасида ифодаланади.

Мисол учун, футболдаги позициялардан бирини англатувчи “**яримҳимоячи**” сўзини олайлик.

Аввало, ушбу атаманинг этимологиясига эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Аслида, ушбу сўзнинг шу тарзда қўлланилишига рус тилидаги «полузащитник» сўзининг тўғридан тўғри таржима қилиниши сабаб бўлган.



Бироқ ҳозирги вақтда майдон марказида ҳаракат қилувчи барча футболчиларни ҳам *яримҳимоячи* дейиш мумкинми?

Яқин ўтмишда жаҳон ареналарида порлаган Месут Ўзил, Андрес Иньеста ёки Ўзбекистон терма жамоасининг ҳозирги авлоди вакиллари Жамшид Искандеров ва Жалолиддин Машарипов каби биз *яримҳимоячи* деб атайдиган футболчилар борки, жамоанинг мудофаа ҳаракатларида деярли қатнашмаслиги туфайли уларни таърифлашда *яримҳимоячи* сўзини ишлатиш ноўрин туюлади.

Ушбу фикрга келишимизга Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетида ўтказилган «Таржиманинг лингвокогнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти» илмий-амалий анжумани материаллари тўпламида футбол атамаларига бағишланган мақола сабаб бўлди. Эътибор беринг:

«... Асосан, майдон марказида ҳаракатланувчи футболчиларни ўзбек спорт журналистикасида «*ярим ҳимоячилар*» деб аташга одатланилган. Ваҳоланки, мазмун-моҳияти жиҳатидан таҳлил қилинса, бу нотўғри бўлиб чиқади. Инглиз тилида «*midfielder*» атамаси ишлатилади. Бунда «*middle*» – *ўрта* ва «*field*» – *майдон* маъносини беради. Немисчада тўла калька «*mittelfeld (spieler)*» учрайди. Рус тилида калька («*среднеполевой*») беўхшов чиқарди. Шунинг учун, инглизча жаргон «*half-back*» («*half*» – *ярим*, «*баск*» – *орқадаги*) сўзидан калька олиниб, «*полузащитник*» атамаси яратилган. Ўзбек тилидаги «*ярим ҳимоячи*» русчадан калька сифатида шаклланган дейиш мумкин. Аммо ўша футболчи, нафақат ҳимояда, балки майдон марказида боғловчи, шунингдек, кези келганда ҳужумда ўйнаши зарурлиги боис атама инглизчадаги сўзга тўла эквивалент эмаслигини тан олишга тўғри келади [2].

Марказий зонада ўйнайдиган футболчилар спорт журналистикасида бажарадиган вазифаларига мос равишда бошқа турли атамалар билан ҳам ифодаланади. Масалан: «*плеймейкер*» (инглизча «*playmaker*» – *ўйинни*



бошқарувчи; «play» – ўйин, «maker» – амалга оширувчи, бажарувчи) – жамоа ҳужумларини ташкил этувчи, бошқарувчи.

Испан тилидаги «*centrocampista*» сўзида ҳам инглиз тилидаги каби ҳолатни кузатамиз. Бунда «*centro*» – марказ, «*camp*» сўзи товуш тушиши натижасида шаклланган «*campo*» – майдон сўзи маъносини ҳамда «*ista*» – испан тилидаги шахс оти ясовчи қўшимчани англатади.

Итальянчага ушбу атама «*trekartistista*» тарзида таржима қилинган.

Мамлакатимиздаги аксарият оммавий ахборот воситалари ушбу атамани «ярим ҳимоячи» тарзида ёзади. Лекин, бир қатор тадқиқотчиларнинг фикрича, бу нотўғри талқин [1].

Аввало, *яримҳимоячи* сўзи иккита мустақил сўзнинг қўшилишидан пайдо бўлган янги сўз эканига эътибор қаратиш жоиз. Равиш сўз туркумига кирувчи *ярим* ва от сўз туркумига мансуб *ҳимоя* сўзлари бирлашиб, унга шахс оти ясовчи *-чи* қўшимчасини қўшиш орқали футболда майдон марказида ҳаракат қилувчи ўйинчининг позициясини ифодаловчи сўз ясалган.

Ўзбек тилида, одатда, *ярим* сўзи алоҳида ишлатилган тақдирда ўзидан кейин келадиган отнинг тўла эмаслигини ёхуд унинг иккидан бир қисми мавжуд эканлигини кўрсатади. Аммо *яриморол* ва *яриммустамлака* сўзларида *ярим* сўзи қўшиб ёзилади, сабаби ушбу сўзлар бирикмаси орқали буткул бошқа маъно ясалиши кўзланган бўлади. Масалан, *яриморол* ва *ярим орол* сўзлари бир биридан фарқ қилувчи маъноларни ифодалайди.

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да *яриморол* сўзига қуйидагича таъриф берилади: «**Яриморол** геогр. Ҳар учала томони сув билан ўралган ва фақат бир томондан қуруқликка туташган орол» [3].

Ярим орол эса оролнинг ярми деган маънони билдиради: «Исландияда ярим оролни тоғлик зоналар ташкил этади». Яъни, Исландия оролининг ярми тоғлик зоналардан иборат. Аммо Ҳиндистон *яримороли*, Пиреней *яримороли* каби тушунчалар буткул бошқача луғавий маънони ифода этади.



Худди шу тарзда *яримҳимоячи* сўзи кўшиб ёзилган тақдирда майдон марказида ўйновчи футбол ўйини иштирокчисини билдириши мумкин. Лекин *ярим ҳимоячи* сўзи маълум бир ҳимоячининг ярми деган маънони англатади ва бу, одатда, ҳеч қандай лексик маъно бермайди. Бир муассисга алоқадор www.kun.uz ва www.tribuna.uz сайтлари *яримҳимоячи* сўзини битта бутун шаклда ишлатиши эътиборга лойиқ.

Хулоса. Футбол ўйини юртимизга ижтимоий ҳаёт ҳодисаси сифатида четдан кириб келгани спорт журналистларимиз аксарият ҳолларда инглиз ёки рус тилидан таржималарга таянишига сабаб бўлган. Футбол журналистикасида учрашув иштирокчиларининг ўзбекча атамалари варваризмлар, калька ҳамда тилимизнинг луғат бойлиги эвазига шакллантирилган. Спорт лексикасининг изоҳли, икки тилли, имло луғатлари яратилиши журналистлар фаолияти савиясини кўтаришга ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Валихонов А.А. Ўзбек, инглиз ва испан тилларида спорт атамалари: Битирув малакавий иши – Т.: Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети, 2023.

2. Тўхтамирзаев М. Футбол терминлари ва уларнинг ўзбек тилига таржимаси ҳақида (футбол учрашуви иштирокчиларининг номланиши мисолида) // “Таржиманинг лингво-когнитив, коммуникатив-прагматик ва лингвокультурологик аспекти” Республика илмий-амалий анжумани материаллари тўплами. – Андижон: “Андижон нашриёт-матбаа” МЧЖ, 2015. – Б. 40-43.

3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. Ж. В. Н-Тартибли / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, –2020. – 119-бет.

4. www.kun.uz

5. www.tribuna.uz